Реклама кампаниясини кегайтириш.

Бозорда реклама воисталарини синаб куриш.

Бозор маркетинги.

Реклама кампаниясини режалаштириш.

Истеъмолчилар одатларини урганиш.

Сотувни рагбатлантириш.

Реклама кампанияси бюджетини тузиш.

Реклама воситасини танлаш.

4-топширик. Куйидагилардан фойдаланган холда мкг тадкикоти мантикини (кетма-кетлигини) аникланг.

Тавсияларни ифодалаш.

Маълумотларни туплаш ва уларни таснифлаш.

Фирма олдига вазифалар куйиш ва ахборот муаммоларини аниклаш.

Кутилаётган ахборот манбаларини аниклаш.

Тупланган маълумотлар тахлили.

Маркетинг тадкикоти максадларини ифодалаш.

5-топширик. Куйидагилардан фойдаланган холда иккита истеъмолчи хусусиятлари ва уларга реклама таъсирининг узига хосликларини тасвирлаб беринг.

Истеъмолчи тури	Кандай истеъ-молчи	Бундай истеъмолчига реклама нима оркали таъсир курсатади:
Олий даражада товарга богланиб колган истеъмолчи		
Товарга унчалик богланиб колмаган истеъмолчи		

Эслатма

Рекламага диккат билан караш.
Берилаётган ахборот мазмуни.
Реклама хабарларининг эсда коларлиги.
Ахборотни суст кабул килади.
Кизикувчанлик натижасида харид килади.
Товарнинг эсда коларлиги.
Жамиятнинг маъкуллашини кутади.
Харид килишга ундаш.

6-топширик. **Сизнинг фирмангиз пичоклари харакатланувчан электр устара ишлаб чикаради. Товар стандарт техник дизайнга эга булиб, факат кора ва кулрангда чикарилади. Ракобатлашувчи фирма бозорга худди шундай, факат турли дизайнли махсулот таклиф эта бошлади. Маркетинг булимига канай топширик берган булардингиз?**

7-топширик. **Куйидаги товарлар хаётийлик даврининг кайси боскичини бошдан кечирмокда? Товарлар эгллаб турган позицияларни жадвалнинг мос келувчи устуларига киритинг.**

а) рангли телевизор
б) маиший электроника
в) автомобиллар
г) видеодисклар
д) луб матоси
е) минерал сув
ж) керосин

Товарнинг хаётийлик даври боскичлари				
Бозорга киритиш	**Усиш**	**Етуклик**	**Туйинганлик**	**Суниш**
Товар позицияси раками				

8-топширик. **Сиз**

а) иктисодиёти натурал хужалик туридаги
б) хомашё иктисодиёти

в) саноати ривожланаётган иктисодиёт

г) саноати ривожланган иктисодиётли мамлакатнинг савдо-саноат палатаси вакилисиз.

Хар бир вариант буйича мамлакатнинг хужалигига умумий тавсифнома беринг, мамлакат иктисодиёт дуч келувчи ассоий муаммоларни санаб беринг.

9-топширик. Фараз килайлик, Сиз энг йирик миллий компанияда реклама булими рахбарисиз. Сизнинг олдингизга куйидагича вазифа куйилган: компания реклама фаолиятининг туртта энг мухим максади ва ушбу максадларнинг йуналишларини аниклаш. Жавобларни жадвалга киритинг.

Компания реклама фаолияти максади	Максад нимага йуналтирилган
1.	
2.	
3.	
4.	

10-топширик. Куйидаги руйхатдан импорт тарифининг учта сосий функциясини ажратиб курсатинг.

Бозорни монополиядан чикариш.

Миллий хизматлар бозорини химоя килиш.

Миллий ишлаб чикарувчиларни уларнинг ички бозордаги ракобатбардошлигини ошириш максадида чет элликлар билан ракобатдан химоя килиш.

Мамлакат худудида кушма корхоналар капитал куйилмаларини химоялаш.

Давлат бюджетини зарур молиявий воситалар билан таъминлаш.

Махаллий товар ишлаб чикарувчиларнинг тугридан-тугри соликка тортилиши даражасини чеклаш.

Миллий истеъмолчиларни (корхоналар ва ахолини) мамлакатда умуман ёки етарли микдорда чикарилмайдиган махсулотлар билан таъминлаш.

11-топширик. **Чап томондаги хар бир атамага унг томондан мос келадиганини танланг.**

1.Мукаммал ракобат	**а) Обхественнуе коммуникации**
2. Монополия	**б) бир нечта фирманинг битта фирмага бирлашиши**
3.Антритрест конунчилиги	**в) ихтиро ёки технологияларни сотиш ёки улардан фойдаланиш хукуки**
4. Трест	**г) монополиянинг юзага келиши олдини олиш ва ракобатни рагбатлантириш максадида ишлаб чикилган конунлар**
5.Олигополия	**д) битта сотувчи мавжуд булган бозор**
6. Легал монополия	**е) бир хил товар сотувчи ва харидорларининг куплиги**
7. Монополистик ракобат	**ж) бир хил товарнинг битта фирмага бошка фирмага нисбатан арзон нархда сотилиши**
8.Компанияларнинг	**з) катта корпорация ёки бозорни**

бирлашиши	**назорат килувчи корпорациялар бирлашмаси**
9. Нарх дискриминацияси	**и) бир нечта йирик сотувчи эгалик килувчи бозор**
10. Патент	**к) ухшаш товар таклиф килувчи сотувчилар сони куп булган бозор**

12-топширик. Куйидаги элементлар асосида МАТида ахборот харакатининг боскичларини блок-чизмада тиклаб беринг.



Элементлар:
маркетинг тадкикот тизими;
ечиладиган вазифалар, объектлар ва бошкариш даражалари буйича ахборотларни систематизациялаш;
ташки ахборот тизими;
тадкикот натижаларни тахлили;
фирмани ташки ва ички маркетинг мухити;
маркетинг ахборотларни туплаш максадида коммуникация;
кириб келятган ахборот окимларни систематизациялаш;
тахлил, режалаштириш, ташкил этиш ва маркетинг карорларни назорати;
ахборотлар тахлили ва кайта ишлпаш тизими;
маркетинг тадкикотлар жараёнини бошкариш;
истеъмолчилар учун коммуникацион тизими;
ички ахборот тизими.

Кайси таклиф этилган элементлардан чизмада фойдаланилмаган?

13-тошририк**. Куйидаги элементлар асосида кузатиш усули оркали ахборот туплаш жараёнини чизма сифатида курсатиб беринг**

Элементлар:

Кузатув шаклини танлаш;

Кадрларни танлаш ва кузатувчиларни тайерлаш;

Кузатиш объекти ва предмети, вазифалар, максадларни белгилаш;

Кузатув бланк шакллини ишлаб чикиш;

Дала шароитида кузатувни ташкил этиш, кузатув назорати;

Ижрочилар учун талабларни ишлаб чикиш;

Кузатиш вактни ва жойини танлаш;

Кузатиш таркибини ишлаб чикиш;
Техник хужжатларни ва асбоб-ускуналарни тайёрлаш;
Маркетинг ахборотларни туплаш максадида коммуникация;
Хисобот тайёрлаш.

14-топширик. **"Крокодил" ва "Крокус" фирмалар кенг ассортиментда кожгалантерея буюмларини ишлаб чикаради.**

"Крокодил" фирмани ассортментига куйидагилар киради:

1) хужжатлар учун папка (кожадан, 4 булимли, молния замокли, кора рангда, нархи - 300 руб.)

2) "Престиж" кейси (юкори сифатли кожадан, 5 булимли, замокки кодли, кора рангда, нархи - 780 руб.);

3) спорт сумкаси (синтетика материалдан, 3 булимли, размерини кенгайтириш имконияти билан, молния замокли, хар хил рангда, нархи - 200 руб.);

4) аёлларни "Элита" сумкаси (юкори сифатли кожадан, 2 булимли, кора рангда, сотишда сувенир сифатида кушимча товарлар билан таъминланади — кошелек, савдо маркали ойнаси билан, нархи - 600 руб.);

5) чемодан (кожезаменителдан, 2 булимли, калитли замок билан, хар хил рангда, нархи - 450 руб.).

«Крокус» фирмани ассортиментига куйидагилар киради:

1) аёлларни "Премьера" сумкаси (бисерли, хар хил рангда, 1 булимли, нархи - 600 руб.);

2) хужалик сумкаси (синтетика материалдан, 4 булимли, размерини кенгайтириш имконияти билан, молния замокли, ранглар — кук, яшил, кизил, нархи - 128 руб.);

3) спорт сумкаси (синтетика материалдан, 4 булимли, размерини кенгайтириш имконияти билан, молния замокли, ранглар — кук, яшил, кизил, нархи - 240 руб.);

4) "Бизнесмен" дипломати (кожезаменителдан, ёпиладиган замок билан, 3 булимли, кора ва жигар ранглари, нархи 650 руб.);

5) «Дафтар» турдаги ко\озлар учун папка (кожезаменителдан, 1 булимли, кора, кизил ва жигар ранглар, нархи 50 руб.).

Топширик:

а) Юкорида келтирилган ассортиментни тахлил килиб чикинг. Келтирилган товарларни харидор сегментларини белгилаб беринг.

б) Ракобат товарларни ажратинг. Товарларни куйидаги курсаткичлар буйича тавсифлаб беринг:

буюмларни фойдаланиш хусусиятлари;

буюмларни сифат даражаси;

буюмларни иктисодий тавсифномаси.

15-топширик**: Халкаро сегментаия турларини белгилаб беринг.**

а) «Жигули» автомобили ривожланаётган мамлакатларда пулдор ахолига йуналтирилган, Францияда эса камбагал ахоли учун мулжалланган. Мазкур халкаро сегментация кандай сегментация турини англатади?

б) Хар бир мамлакатда юкори даромадга эга харидорлар гурухлари бор. Ушбу харидорлар истеъмол килишда престиж фирма («Мерседес», «Нина Риччи», «Адидас» ва бошк.) товарларини олишга харакат киладилар. Бу сегмент универсал сегмент хисобланадими ёки йукми? Кандай сегментация турига юкорида келтирилган вазият киради?

в) Куйидаги жадвалда «+» белгиси билан маркетинг стратегиясига мос келадиган сегментация турини кырсатиб беринг.

Халкаро маркетинг стратегияси	Сегментация турлари			
	Ухшаш товарларга бил хил талабга эга мамлакатлар	Универсал сегментга йуналтирилган	Мамлакатдаги хар хил сегментларга йуналтирилган	Товарни модификациялаш
1. Товар ва маркетинг-микс бир хил				
2. Бир хил товар, маркетинг микс мослашган				
3. Товар ва маркетинг-микс мослашган				
4. Янги товар ва янги маркетинг-микс				

КЕЙС: «Ташки бозорларга кириш усуллари» мавзусида ишлаб чикарувчи корхоналарнинг усиб бораётган ракобат шароитларида ташки бозорга чикишларида юзага келувчи муаммоларни акс эттирувчи муайян вазиятга асосланиб, укувчилардан уни хал килишнинг максадга мувофик вариантини излаб топишни талаб килади

1. Маркетинг вазияти

Германиянинг «Дайко» фирма 20 йилдан ортик вакт мобайнида арматура, ваннахона ва сув тизимлари учун курилмалар (кранлар, деталлар, махкамлаш воситалари, душхоналар) ишлаб чикаришга ихтисослашиб келади. Фирма уз махсулотларини шахсий уй хужаликарига хам, турли ташкилотларга хам таклиф килади.

Махсулот дифференциацияси фирма томонидан хажми, ранги, стили, материали (металл ва пластика) буйича амалга оширилиб, бу бозордан мустахкам урин эгаллашга имокн беради.

«Дайко» фирмаси Узбекистон бозорига чикишга карор килди ва уни тадкик этишни бошлади. Олинган умидли натижалар компанияни Узбекистон бозорига фаоллик билан киришга ундади ва бунинг учун бир йил муддат белгиланди.

2. Муаммо

Узбекистон бозорига киришнинг оптимал усулини танлаш хисобига бу бозорга муваффакиятли кириб боришни таъминлаш.

3. Вазифалар

1.Компанияга Узбекистон бозорига кириш йулларини таклиф килиш.

2.Хар бир имконият билан боглик потенциал кийинчиликларни аниклаш.

3.Узбекистон бозорига кириш усулини танлаш ва асослаб бериш.

4.Товар харакатланиши ва таксимоти тизими буйича тавсиялар бериш.

4. Вазифани бажариш алгоритми

1. Маркетинг вазияти маълумотлари умумий тахлилини утказинг.

Фирманинг ялпи айланмаси 40 млн немис маркасига тенг булиб, фирманинг бошка мамлакатлардаги улуши тугрисидаги бошлангич маълумотлар мавжудлиги сабабли янги бозордаги сотув хажми илгари эгалланган бозорларга нсибатан юкори булишини тахмин килиш мумкин.

Демак, сотув хажми 4-5 млн маркадан ошмайди. Биринчи йилда учрайдиган муаммо – Узбекистон бозорига муваффакиятли кириб

боришни кандай таъминлаш. Бу биринчи навбатда логистика, маркетинг самарадорлиги ва хоказоларга боглик.

Компания Германия худудидан ташкарида маркетинг фаолияти тажрибасига эга булиб, унинг бозорга таъсир курсатишда катта имкониятлари хам мавжуд. Узбек бозорини ривожлантириш буйича тавсиялар товарларни таркатиш муаммолари билан хам боглик булади. Махсулот кенг кулланади, ишлаб чикариш ихтисослашмаган. Компания маркаси бозорда тан олинган. Вазиятни илгари сурувчи, уни харакатланитрувчи куч бу компанияни кенгайтириш, режалаштирилган усишдир.

2. Топширикда куйилган вазифаларга муайян жавоблар тайёрланг, бунда куйидаги асосий ва кушимча материаллардан фойдаланинг.

Куйидаги кушимча материалларни тахлил килиб, бозорга кириб боришнинг уз вариантингизни танланг ва уни асослаб беринг.

Товарни харакатлантирш буйича уз тавсияларингизни беринг ва асослаб беринг.

5. Вазиятни тахлил килиш вараги

Боскичлар	**Мазмуни**	**жавоб**
Тахлил	**Берилган муайян вазиятни тадкик килиш ва уни хал илиш учун керакли маълумотларни туплаш Вазият объекти тавсифномаси, асосий курсаткичлар.**	
Муаммони аниклаштириш	**Муаммонинг мохиятини кискача ифодалаш**	
Харакатлар кетма-кетлигини белгилаш	**Ахборотни структуралаштириш**	
Концептуал жихатларни аниклаш	**Амалий вазиятда катнашчилар нуктаи назаридан куриб чикилувчи саволларни баён килиш.**	
Мукобил ечимларни аниклаш ва энг яхши вариантни танлаш	**Мукобил вариантларни санаб утиш. Уларнинг ижобий ва салбий жихатларини аниклаш. Вазифани бажаришнинг энг оптимал мукобил вариантини танлаш.**	
Ечимни тайёрлаш	**Танланган мукобил вариантни деталли ифодалаш.**	

6. Асосий материаллар

1-жадвал. «Дайко» фирмаси хакида бошлангич маълумотлар

Бошлангич маълумотлар	*Микдорий курсаткичлар*
Йиллик умумий айланма	**40 млн. немис маркаси**
Ташки бозорлар буйича аланма	**25 млн. немис маркаси**
«Дайко» фирмасининг ички бозордаги улуши	**32%**
«Дайко» фирмасининг ташки бозорлардаги улуши жами, шу жумладан:	**52%**
Германия бозорида	**36%**
Франция бозорида	**8%**
Бельгия бозорида	**3%**
АКШ бозорида	**5%**
Бошка бозорларда	**16%**

2. Асосий маълумотлар:

фирманинг 20 йилдан бери маълумлиги;

каттарок бозор улушини эгаллаш максадида чикарилаётган махсулот ассортименти ва дифференциацияси;

Майамидаги йирик савдо компанияси АКШда сотиш учун йилига чикарилаётган махсулотнинг 4%ини сотиб олади.

Узбекистон бозорига белгиланган муддатда (йил) кириб бориш хакида карор кабул килинди;

Максадли бозорлар: уй хужаликлари ва ташклиотлар.

7. Кушимча маълумотлар

Белгиланган вазифанинг жавоб вариантлари.

Куйилган вазифалар	Жавоб вариантлари	Тавсифнома
1.Компаниянинг Узбекистон бозорига кириш йуллари	**а) имкониятлар:**	**тугридан-тугри экспорт;** **Узбекистонда ишлаб чикариш базасини куриш;** **товарни таркатиш буйича дистрибьюторлик ташкилоти тузиш;** **мавжуд узбек корхонаси билан кушма корхона тузиш ва дистрибьюторлик канали яратиш;** **Узбекистонда лицензия буйича ишлаб чикариш;** **хорижда сотув буйича шуъба корхонаси тузиш;** **товарни харакатлантириш тармогини ташкил этиш ва товарни бахолаш (экспортда);** **харид килиш.**
	б) халкаро муаммолар	**тан олиш учун сарфланувчи вакт;** **таксимот каналини ташкил этиш;** **бозордан уринг эгаллаш.**
2.Хар бир имкониятдаги кийинчиликлар	**а) тугридан-тугри экспорт:**	**бозорда тан олиш;** **бозорнинг чет эллик савдо маркасига каршилик курсатиши;** **таксимот каналига кириб бориш учун вакт;** **сотувнинг усишини назорат килиш кийинлиги;**

		якуний истеъмолчи билан алоадаги кийинчиликлар; хак тулашдаги узилишлар.
	б)ишлаб чикариш базасини куриш:	инвестициялар; жойлашган манзилни аниклаш; ишчи кучи билан таъминлаш; малакали ходимларни излаб топиш; ахборотнинг объективлиги; бозорда тан олиниш учун керакли вактнинг чузилиб кетиши.
	в)товар таксимоти буйича дистрибьютор каналини ташкил этиш	яхши дистрибьюторларни танлашнинг кийинлиги; дистрибьютор тармогини яратиш буйича харажатлар; дистрибьютор билан алоканинг доими эмаслиги; дистрибьютор мотивацияси муаммоалри.
	г)кушма корхоналар	мос келувчи хамкорни излаб топиш; мажбуриятлар ва узаро тушунишни белгилашнинг кийинлиги; шартнома имзолангандан сунг юзага келувчи муаммолар; фойда ва якуний куйилма репатриацияси учун базани хисоблаш зарурати.
	д) лицензиялаш	стандартларни куллаб-куввтлаш; назоратни йукотиш; махсулот нуфузи хавф остида.
	е) шуъба корхона тузиш	инвестициялар; сотиш учун йул очиш зарурати.
	ж) товар характаланиши тармогини тузиш ва сотувни бахолаш	хорижий иктисодиётга интеграция зарурати; маданиятдаги фарклар; сотув тизимини ташкил этиш; махсулотни бозор талабларига етказиш.
	з) харид.	тугри харидни танлаш; инвестицияларда кушимча харажатларга нисбатан купрок жамгармага эришиш.
3.Кириб бориш усулини танлаш	Бозорга кириш учун таклиф килинувчи усул	Танловни асослаб бериш
4. Товар харакатланиши ва таксимоти буйича тавсиялар	Таклиф этилувчи тавсиялар	Тавсияларни асослаб бериш

КЕЙС: «Енгил автомобиллар ракобатбардошлигини бахолаш» мавзусида усиб бораётган ракобат шароитларида автомобилсозларнинг енгил автомобилларни ташки бозорга экспорт килишида уларнинг ракобатбардошлигини бахолашда юзага келувчи муаммоларни акс этитради хамда муайян вазиятга асосланиб, укувчилардан уни хал килишнинг максадга мувофик вариантини излаб топишни талаб килади

1. Маркетинг вазияти.

Италиянинг «Фиат» автомобиль ишлаб чикарувчи компанияси бошка компаниялар билан ракобатда ракобатнинг нарх билан боглик булган ва боглик булмаган усулларидан, уларнинг махсулоти ракобатбардошлигини акс эттирувчи курсаткичлар йигиндисидан кенг фойдаланади. Бир хил классдаги автомобиллар турли хил типдаги кузовлар билан ишлаб чикарилади. Автомобиллар модасини инобатга олган холда уларнинг ички ва ташки куринишига узгартиришлар киритилиб, экологик стандарт нормалари урнатилади, мослашувчан нарх сиёссати кулланади, автомобиллар хавфсизлиги мунтазам ошириб борилади. Автомобиллар белгиланган халкаро стандартларга жавоб беради ва мос келади. Италиянинг «Фиат» компанияси Германияга махсулот экспорт килишни уз олдига вазифа килиб куйган. Ракобатбардошлик даражасини моделлаштириш немис автомобиль бозорини тадкик килиш, шунингдек, харидор нуктаи назаридан автомобиллар намунасига куйилувчи талаблар асосида амалга оширилган.

2. Муаммо:

Хорижий бозорга экспорт килишда белгиланган курсаткичлар буйича автомобиллар ракобатбардошлигини бахолаш.

3. Вазифалар:

«Фиат» автомобилларининг «Мерседес» автомобилларига нисбатан техник, ташкилий ва иктисодий курсаткичлари коэффициентларини аниклаш.

таклиф этилаётган автомобиллар ракобатбардошлиги интеграл коэффициентларини хисоблаш.

хисоб-китоблар натижаси буйича тахлил утказиш ва ракобатбардошлик даражаси хакида хулоса чикариш.

«Фиат» автомобилларининг «Мерседес» автомобилларига нисбатан жозибадорлиги ва умуман ракобатбардошлиги юкоирлиги хакида хулосаларни асослаб бериш.

талаб ва таклиф холати, фирманинг нуйузлилиги, реклама-сотув фаолияти самрадорлиги (Q) 4 та тенг булса, Германия бозорида «Фиат» автомобилларининг улушини аниклаш.

4. Вазифани бажариш алгоритми

1. Аввало, *норматив курсаткичлар танланади*, яъни автомобилни «адресли» максадли бозорда сотиш учун принципиал имкониятлар белгиланади. Бу иш автомобилнинг патент софлигини бахолашдан бошланади. Сунгра автомобилнинг мамлакатда амал килувчи мажбурий стандарт ва нормаларга мослиги, шунингдек, ушбу курсаткичларнинг чегарасига мослиги аникланади. Ракобатбардошликни бахолашда норматив курсаткичлар методик хисоби махсус In (1) курсаткич киритиш йули билан таъминланиб, унинг киймати –1 ёки 0 булиши мумкин. Агар у 1 га тенг булса, товар норма ва стандартларга мос келади, акс холда – йук.

$$In = \prod_{i=1}^{n} qi = 1 \quad \textbf{(1)}$$

бу ерда In – номартив параметрлар буйича умумий курсаткич; qi – i-норматив курсаткич буйича курсаткич; n – бахолаш лозим булган норматив параметрлар сони.

Бизнинг холатда автомобиллар халкаро стандартларга жавоб беради ва мос равишда уларниг номартив курсаткичлари 1 га тенг хисобланади.

Техник курсаткичлар **бу – товарнинг хусусиятлар, унинг сифатидтр. Бозор тадкикотлари ишлаб чикарувчига харидор товарнинг кайси хусусиятларини зарур хисоблашини аниклаш, сунгра бу хусусиятлардан кайсилари ушбу эхтиёжларга мос келишини бахолашга имкон беради. Бу микдорий жихатдан битта автомобиль параметрининг бошка автомобилнинг худди шундай параметрига нисбати сифатида акс эттирилади (2). Автомобиллар техник даражаси картаси тузилади. Агар техник параметрлар умумий курсаткичи бирдан катта булса, ишлаб чикарувчи ракобат курашида маглуб булади ва техник параметрларни узгартириш ва эталон-намунага етказиш учун чора-тадбирлар куришга мажбур булади.**

$$Bi = dhi/dei \quad \textbf{(2)}$$

бу ерда Bi – i-параметр буйича техник курсаткич; dhi – тахлил килинаётган автомобилнинг i–параметри катталиги; dei – эхтиёж 100% кондирилувчи i-параметр катталиги. Худди шу тарзда бошка техник параметрлар хам хисоблаб чикилади. Техник параметрлар буйича умумий курсаткич куйидаги куринишга эга булади (3):

$$\mathrm{Im} = \sum_{i=1}^{n} dhi/dei \times \alpha_1 \;\geq\; \textbf{1} \qquad \textbf{(3)}$$

бу ерда Im – техик параметрлар буйича умумий курсаткич;

α - n-умумий сонида i-параметр салмоги;

n – бахолаш амалга оширилувчи параметрлар сони.

Товар ракобатбардошлиги даражасининг *иктисодий параметрлари* таклиф килинаётган товарнинг истеъмол нархини худди шундай ракобатчи товар нархи билан солиштиришни назарда тутади, яъни жами истеъмол нархи топилади:

а) таккосланувчи вариантлар буйича йиллик амортизация ажратмалари:

Сі к (Стр. 2 – Стр. 5) : Стр.1

Сіі к (Стр. 2 – Стр.5):Стр. 1

б) автомобилларнинг икки варианти учун жами эксплуатация харажатлари куйидаги формула буйича топилади (4)

∑Pan к Сі К Стр1 гр 3 / стр3 К 4 К5 К6 **(4)**

∑Pkn к Сіі К Стр1гр4 / стр3 К4 К5 К6

Иктисодий параметрлар буйича умумий курсаткич куйидаги куринишга эга булади (5):

$$Ep = \sum Pan / \sum Pkn \quad \textbf{(5)}$$

бу ерда Ер – иктисодий параметрлар буйича умумий курсаткич;

Pan – тахлил килинувчи автомобилнинг истеъмол нархи;

Pkn – ракобатлашувчи автомобилнинг истеъмол нархи.

Агар умумий иктисодий параметр бирдан катта булса бу махсулотнинг ракобатбардош эмаслигини англатади. Табиийки, истеъмол нархи канчалик паст булса, ракобатбардошлик даражаси гунчалик юкори булади, чунки бу шу билан богликки, истеъмолчи махсулот бирлигини бошка махсулотга нисбатан арзон нархда сотиб олиш имкониятига эга булади.

Норматив, техник ва иктисодий параметрлар умумий курсаткичлари асосида товар ракобатбардошлик даражасининг *интеграл курсаткичи* тузилади (6).

$$IK = In \times \mathrm{Im} / Ep \geq 1 \quad \textbf{(6)}$$

Агар IK ≥ 1 булса, у холда махсулот ракобатбардош хисобланади.

Германия бозори учун «Фиат» ухшаш ракобатчи товар булиб, агар унинг ракобатбардошлик интеграл курсаткичи бирдан катта буладиган булса, бу «Фиат» фирмаси Германия бозорида асосий ракобатчи ролини уйнашини англатади.

2. «Фиат» компаниясининг Германия бозорида эгаллаб турган урнини куйидаги формулага асосан аниклаш мумкин (7):

$$Dr = \frac{J}{Q \times J/IK} \quad \textbf{(7)}$$

бу ерда Q – фирманинг нуфузига курсатилувчи таъсирни акс эттирувчи курсаткич, автомобиллар бозорида талаб ва таклиф нисбати, реклама-сотув фаолияти самарадорлиги.

5. Маслахат ва тавсиялар.

Аввал маркетинг вазияти хакида тулик тасаввурга эга булиш учун мавжуд барча маълумотларни диккат билан укиб чикиш лозим. Укиш борасида дарров тахлил килишга киришиб кетманг.

Яна бир марта маълумотларни укиб чикинг. Сизга мухим куринган абзацларни белгиланг.

Вазиятни тавсифлашга харакат килинг. Унинг мохияти нимадалиги, нималар иккинчи даражали эканлигини аникланг. Хулосани – асосий муаммо ва ундан келиб сикувчи муаммоларни ёзма кайд этинг.

Ушбу муаммога тааллукли барча далилларни ёзиб олинг ва келтирилган маълумотлар уртасидаги узаро алокани кузатинг.

5.Таклиф этилган ечимнинг тугрилигини асослаб бериш учун кулланувчи мезонларни ифодаланг.

6.Мукобил ечим варинатларини топишга харакат килинг. Уларнинг кайси бирини куллаш мумкин?

7.Уз карорингизни амалга ошириш буйича амалий чора-тадбирлар руйхатини тузинг.

6. Вазиятни тахлил килиш вараги

Боскичлар	**Мазмуни**	**Жавоблар**
Тахлил	**Берилган муайян вазиятни тадкик этиш ва вазифани бажариш учун керакли маълумотлар туплаш.**	
Муаммони аниклаштириш	**Муаммонинг мохиятини кискача ифодалаш**	
Харакатлар кетма-кетлигини аниклаш	**Аъборотни структуралаштириш**	
Концептуал жихатларни аниклаш	**Амалий вазиятда иштирокчилар нуктаи назаридан тааллукли булган масалаларни баён килиш.**	
Мукобил	**Хатти-харакатлар**	

вариантларни аниклаш ва улардан энг яхшисини танлаш	**йуналишларини снаб бериш. Ларнинг ижобий ва салбий окибатларини аниклаш. Вазифани бажаришнинг энг оптимал варинатини танлаш.**	
Аниклик ва равшанлик	**Танланган вариантни деталли ифодалаш.**	

7. Асосий материаллар.

1-жадвал. FIAT и MERSEDES ва автомобиллари техник параметрлари

№	Автомобиль маркаси	Модели	Чикарилган йили	Двигатель куввати	Максимал тезлиги	100 км/с га тезланиши	Шинанинг муддати	Умумий вазни
				КВт	Км/с	Сек	минг км	кг
1	FIAT	PUNTO 75	1993	55	170	12	50	5200
2	MERSEDES	FIESTA 1.3	1991	44	153	14,7	50	5200
3		ESCORT 1.3i	1991	44	153	17,7	55	5200

2-жадвал. FIAT и MERSEDES автомобиллари иктисодий параметрлари

№	Иктисодий параметрлар	Автомобиль маркаси		
		FIAT-PUNTO 75	MERSEDES FIESTA 1.3	MERSEDES ESCORT 1.3i
1	Ишлаб чикарувчи нархи, минг ДМ	22,2	19,1	21,9
2	Ёкилги сарфи, Л/100км	6,7	6,4	6,9
3	Бир комплект шиналар нархи, йилига ДМ	1080	1080	1080
4	Техник хизмат курсатиш,	4109	4750	4750

	йилига ДМ			
5	**Мойлаш материаллари, йилига ДМ**	**594**	**700**	**750**
6	**Бошка харажатлар, йилига ДМ**	**990**	**1000**	**1075**

8. Кушимча маълумотлар

1-жадвал. Таккосланувчи автомибилларнинг техник тавсифномалари

Техник параметрлар	**Автомобиль маркаси**				
	улч. бирл.	**FIAT - PUNTO 75**	**MERSEDES ESCORT 1.3i**	**Параметр ахамияти**	**Коэффициент *Bi***
Двигатель куввати	**Квт**				
Максимал тезлик	**Км/с**				
Жойидан 100 км/с.гача кузгалиш	**Сек**				
Ёкилги сарфи	**Л/ 100км**				
Шиналар муддати	**Минг км**				
Тулик вазни	**кг**				
Дизайни	**Балл (10 max)**				
Узок муддатлилиги	**Йил (15 йил max)**				
Аниклаш керак: *Умумий курсаткич Im*					

2-жадвал. Таккосланувчи автомобиллар иктисодий тавсифномаси

Иктисодий	**Улч.**	**Автомобиль маркаси**

параметрлар	бирл.	FIAT-PUNTO 75	MERSEDES FIESTA 1.3	MERSEDES ESCORT 1.3i
Нархи	Минг ДМ			
Ёкилги сарфи	Л/100км			
Бир комплект шиналар нархи	Йилига ДМ			
Техник хизмат курсатиш	Йилига ДМ			
Мойлаш материаллари	Йилига ДМ			
Бошка харажатлар	Йилига ДМ			
Аниклаш керак *Умумий курсаткич Ер*				

3-жадвал. Автомобиллар ракобатбардошлик даражаси интеграл курсаткичини хисоблаш

Автомобиль маркаси	Интеграл курсаткич *IK*	Умумий норматив коэффициент *In*	Умумий техник коэффициент *Im*	Умумий иктисодий коэффициент *Ер*
FIAT - PUNTO 75 / MERSEDES - ESCORT 1.3i				
FIAT - PUNTO 75 / MERSEDES - FIESTA 1.3				

КЕЙС: Гарбий Европадаги Маркетинг Ахборотлар Тизимлари

Бошка мамлакатларга нисбатан АКШда МАТнинг барча 3 та куйи тузилмаларининг ахборот имкониятлари кенг даражада фойдаланилади. Ички кузатув тизимида корхонанинг турли маркадаги товарларнинг харидорларга таъсирини ва савдо хажмини кузатишда сканерловчи курилмалар кенг кўлланилмокда. Ташки мухитни кузатишда рўйхат шаклидаги ахборотлар кўпрок маълумот беради хамда ахоли гурухларини ва уларни таксимланишини худудлар бўйича максимал деталлар билан аниклайди. АКШ маркетинг тадкикотларини турли сохаларида

тармокланиб кетган фирмалар тизими туфайли махсулотларни соновдан ўтказиш, бозор тахлили, сўровлар учун жудаям юкори имкониятларга эга.

Талаб килинган турдаги ахборот учун зарур бўладиган инфраструктурага хар доим хам эга бўлмаганлиги учун дунёнинг бошка худудлари АКШнинг ахборот имкониятлари билан тенглаша олмайди. Масалан: харидорлар хулк-атворини ўрганиш учун Шаркий Европада телефон сўровларини ўтказаётган фирма бу оилаларнинг кўпчилиги телефонга эга эмаслигини хисобга олиши керак, бу эса ишончсиз натижалар демакдир. Малайзиядаги демографик тенденциялар хакида маълумо олмокчи бўлган фирмалар тушуниш керакки, ахоли рўйхат маълумотлари хакикатга тўгри келмайди. Бразиляда чакана савдони кузатмокчи бўлган фирмалар у ерда сканер курилмаларидан кенг фойдаланилмаслигини тушуниш керак. Демак асосий эътибор магазин дўконларга каратилиши керакю

АКШни ахборот имкониятлари сохасида кувиб етган ягона худуд гарбий Европалир. Юкори даражада ривожланганлак Гарбий Европадаги тадкикотлар инфраструктураси хар доим АКШ билан мос келишига сабаб бўлди. Европа Хамжамиятларининг 1992 йилдаги иктисодий интеграцияси ахборот имкониятларини яхшиланишига олиб келди. Олдин компанияар хар йилги мавсумда факат бир мамлакат хакидаги маълумотларни йигиб ўз ахборотлар эхтиёжларин чеклаган эдилар. Энди компаниялар ўз эътиборларини Гарбий Европадаги бозорлардан бирига каратганда, улар бир канча мамлакатларга мўлжалланган интеграциялаган ахборот тизимигларин ишлаб чикишлари керак. Умум европа ахборот тизимлари талаблари МАТнинг хар уччала куйи тузилмаларини ривожланишига олиб келди. Биринчидан кўпгина давлатлар магазинларида маълумотларни сканерлашга асосланган холда ички ахборот тизими ривожланяпти. Бир тадкикот фирмаси Германия, Англия, Франциядаги компания маълумотларини сканерлаш хизматларини таклиф этмокда. Бу нарса сканерлаш тизимини камров даражасига караб Европа Хамжаааиятининг бошка далатларида хам ишлатиш мумкин. Иккинчидан давлатларда ваъда килинаётган ахолини рўйхатдан ўтказишни стандартлаштириш туфайли фирма ўрта катламни кузатишдаги имкониятларини яхшилаш мумкин. Хозирча давлат манбаларидан олинаётган ахборотлар сифати кескин фарк килади: Франция, Германия ва Скандинавия давлатларидааъло даражада, Италия, Испания ва Португалияда коникарсиз. Бутун Гарбий Европадамаълумотлар йигиш принципларини 1 хил стандартлашган ўлчовда кўлланиши бу фаркларни елажакда тугатади. Балки 2000 йилга бориб умум Евопа бўйича рўйхатга олиш ўтказилар.

Мукаммаллашиш МАТнинг учинчи куйи тузилмаси-маркетинг тадкикотларида хам кузатилмокда. Гарбий Европадаги турли марка ва гурухдаги товарларга харидорлар муносабатини билишда ўтказилаётган сўровларда бу тизимни стандартлаштириш учун бир хил саволлардан фойдаланиляпти. Олдинги хар бир давлатдаги турлича сўров техникаси бутун худуд бўйича маълумотларни жамлашга халакит берган.

МАТнинг тадкикот елементларини стандартлаштиришдаги асосий кийинчиликлардан бири тилдир. Турли Давлатлардан стандартлаштирилган ахборот йигиш учун энди тадкикот фирмалари турли хил тилда лекин бир хил шаклда сўров ўтказадиган интервьюверлар гурухи ва марказлашагн телефон тармокларига эга бўлишяпти. Шунинг учун кўп компаниялар олдин инглиз француз тилларидаги сўровномаларни тузишади. Бу эса махаллий мутахассислар томонидан ўз давлат тилларига таржима килинади, сўнг таржималардаги фаркни топиш максадида яна ўайта француз, инглиз тилларига таржима килинади. ЕХда МАТни стандартлаштириш анча кийин масала бўлади. Лекин бу жараён хозирда содир бўлмокда ва Европа компаниялари имкониятларини яхшиламокда.

Саволлар:

Гарбий Евроапдаги стандартлашган маркетинг тадкикот тизимларини ишлаб чикишга нима туртки бўлди?

Кандай яхши ўзгаришлар содир бўлди?

КЕЙС: «DESK-INVEST» корхонаси: сотув бозорини кенгайтириш учун маркетинг стратегиясини танлаш

«DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси республиканинг саноат бозорида фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотларини йирик ва кичик корхоналарга улгуржи шаклда сотади.

Ҳозирги пайтда бозор шунга ўхшаш товарлар билан тўйинган бўлиб, ўз навбатида бу қурилиш маҳсулотлари маркалари ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келди. Истеъмолчилар бундан фақат ютадилар, чунки қурилиш маҳсулотларининг очиқлик муаммоси истеъмолчи учун жиддий муаммо ҳисобланмайди. Бугунги кунда керакли маҳсулотни сотиб олиш мумкин бўлган жойлар – бозорлар, қурилиш дўконлари, павильонлар кўп бўлиб, улар кўриб чиқилаётган товарлар ассортименти билан айнан бир хил товарларни таклиф қилади.

Фаолият кўрсатишининг дастлабки йилларида «DESK-INVEST» корхонаси ихтисослашув (бозор «ниша»сида марказлашув) стратегиясидан фойдаланди. Корхона ўз эътиборини битта сегментнинг эҳтиёжларига қаратиб, бутун бозорни қамраб олишга интилмади ҳам. Ҳозирги пайтда «DESK-INVEST» корхонасида сотувни кенгайтириш учун стратегияни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Топшириқ: «DESK-INVEST» корхонасида мавжуд стратегияни таҳлил қилиш асосида сотув бозорини кенгайтириш бўйича маркетинг стратегиясини танлаш ва асослаб бериш.

«DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ҳақида ахборот

1. Объект тавсифномаси

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, тижорат ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида қатнашчиларнинг қўйилмаларини бирлаштиришга асосланган Таъсис шартномаси ва Низом асосида ташкил қилинган. Корхона таъсисчилари қуйидагилар ҳисобланади:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИЯТИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ;

«Osiyo Granit» масъулияти чекланган жамияти;

«Qurilishbutlashxizmat» масъулияти чекланган жамияти;

«DESK Marketing Service GmbH» фирмаси;

АҚШ фуқароси.

Қатнашчиларнинг қўйилмалари ҳисобига 1.300.000 АҚШ доллари миқдорида Низом жамғармаси шакллантирилди. Бунда ҳар бир қатнашчининг қўйилмаси қуйидаги тарзда тақсимланган (1-расм):



1-расм. Таъсисчиларнинг низом капиталидаги улуши[1]

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий мақсади эгик профиллар ва металл черепица ишлаб чиқариш бўйича завод қуриш ва ишга тушириш, хўжаликка илғор технологияларни жорий қилишдан иборат.

Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

эгик профиллар, металл черепица ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

савдо-воситачилик фаолияти;

ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ман қилинмаган кенг профилдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

ишлаб чиқаришга илмий ва истиқболли лолйиҳалар, илмий-тадқиқотчилик ишларининг натижаларини жорий қилиш.

2. «DESK-INVEST» корхонасида маркетинг бўлими

Корхонанинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, маркетинг бўлимининг мақсадлари белгиланади. Маркетинг бўлимининг асосий мақсади бу – корхонанинг бутун хўжалик фаолиятини иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига мослашувчан йўналтириш, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олиш бўлиб, иқтисодий, режалаштириш, техник-ишлаб чиқариш, сотув ва тадқиқотчилик характеридаги комплексли ишларни уйғунлаштиради.

Маркетинг бўлими алоҳида структура сифатида ажратилган бўлиб, бевосита тижорат директорига бўйсунади. У барча бўлимлар билан ўзаро алоқа қилади ва қуйидаги функцияларни бажаради:

маркетинг фаолиятини режалаштириш.

Маркетинг режаси корхонани ривожлантириш стратегияси асосида тузилади. Ушбу стратегия доирасида маркетинг бўлимининг асосий вазифаси белгиланади. Айни пайтда бўлимнинг асосий вазифаси янги мижозларни жалб этиш, мавжуд мижозларни ушлаб қолиш ва уларнинг корхонага содиқлигини ошириш ҳисобланади. Корхона уни амалга ошириши лозим бўлган муддат, шунингдек, молиялаштириш ҳажми белгиланади. Шундан сўнг маркетинг бўлими асосий вазифани кичик вазифаларга тақсимлайди, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва келажакдаги чора-тадбирлардан кутиладиган натижалар кўрсатилган умумий режа тузади. Маркетинг режаси корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

- бозор конъюнктурасини ўрганиш, ассортиментни режалаштириш. Бозор икки йўналишда ўрганилади: мижозлар ҳақида ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда рақобатчиларни тадқиқ этиш. «DESK-INVEST» корхонаси истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ўз фаолиятининг асосий мақсади этиб белгилаб қўйган. Рақобатчиларнинг ҳаракатлари ва истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истакларини ҳисобга олиш асосида корхона маҳсулот ассортиментини ишлаб чиқади.

имидж, реклама, кўргазмалар ва паблик рилейшнз. Рақобатчилар таҳлили ва истеъмолчиларнинг тузилган суратига асосланиб, маркетинг бўлими чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади, шу туфайли корхона бозорда рақобатчилардан фарқланадиган ва қулай жой эгалайди. Корхона асосан ташқи реклама ва сотув жойларидаги рекламадан фойдаланади.

- товар ҳаракатланишини ташкил қилиш. Товар ҳаракатланиши соҳасида корхонанинг мақсадлари қуйидаги тарзда шаклланади: истеъмолчига товар етказиб беришнинг сервис таъминоти максимал юқори даражаси; товарни ҳаракатлантиришда минимал харажатлар; белгиланган харажатлар даражасида етказиб бериш сервис таъминотининг максимал юқори даражаси. Металл черепица ёки эгик профиллар ва

[1] «DESK-INVEST» қўшма корхонасининг Низоми

бошқа маҳсулот тайёрлаш учун якка тартибдаги буюртмалар олишда товарни уйга етказиб бериш каби хизматлар ҳам тақдим этилади.

3. «DESK-INVEST» корхонасининг мижозлари

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий мижозлари қуйидагилар ҳисобланади:

-йирик корхоналар,

-кичик корхоналар,

-у ёки бу турдаги қурилиш маҳсулотларига буюртма берувчи хусусий шахслар.

4. «DESK-INVEST» корхонасининг маҳсулоти

«DESK-INVEST» корхонаси бир нечта ассортимент гуруҳидаги қурилиш материаллари: 8 номдаги эгик профиллар; 6 номдаги металл черепица ишлаб чиқаради.

Бу турдаги товарлар истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истакларига қараб барча ҳажмларда катта миқдорда чиқарилади. Маҳсулотнинг бу турлари дизайни ва конструкцияси, ҳажми ва шакли билан ажралиб туради. Шунингдек, улар нархи бўйича ҳам фарқланади.

Охирги йилларда сотув бозорларида ҳар бир маҳсулот турининг ҳолати динамикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ички бозорда маҳсулотнинг ҳолати[1]

Кўрсаткич	2005	2006
Маҳсулот – эгик профиллар		
Сотув ҳажми, минг сўм	1 166 762	592 987
Фойда, минг сўм	200 930	49 764
Харажатлар, минг сўм	908 374	889 715
Маҳсулот – металл черепица		
Сотув ҳажми, минг сўм	2 108 345	2 975 155
Фойда, минг сўм	378 840	1 003 043
Харажатлар, минг сўм	1 897 416	3 433 205

Нарх белгилашда ҳисобга олинадиган асосий омил рақобатчиларнинг нархларини ўрганиш ҳисобланади. Рақобатчиларнинг нархларидан келиб чиқиб, «DESK-INVEST» корхонасининг маркетинг бўлими мутахассислари имкон қадар нархни пасайтиришга интиладилар. Хомашё тўғридан-тўғри, кўп сонли воситачиларсиз сотиб олигнади, бу ҳамма нарсадан ташқари нархга кутилаётган фойда даражасини киритишга ҳам имкон беради.

5. «DESK-INVEST» қўшма корхонаси фаолиятининг маркетинг таҳлили

А) Сотув бозори таҳлили

«DESK-INVEST» қўшма корхонаси саноат бозорида фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотларини улгуржи шаклда сотади.

Корхона томонидан маҳсулот бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижасида маҳаллий бозорни ривожлантиришнинг кучли ва кучсиз томонлари аниқланди (2-расм).



2-расм. Корхонанинг асосий бозори SWOT – таҳлили.

«DESK-INVEST» корхонаси маҳсулотлари сотув бозори ҳақидаги асосий маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Сотув бозори ҳақидаги асосий маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Тошкент шаҳри	100 км. масофадаги аҳоли пунктлари
1	талаб даражаси	юқори	ўртача
2	талабни қондириш даражаси	ўртачадан юқори	ўртача
3	рақобат даражаси	юқори	ўртачадан юқори

Корхона маҳсулотлари бозори қурилиш маҳсулотларидан фойлаланиш характери асосида сегментланган. Бунда товар нархи ва сифати каби омиллар ҳисобга олинган.

Умуман, маҳсулот бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

бозор шароитлари истеъмолчиларни маҳсулот сифати ва баҳосига эътибор қаратишга мажбур қилади;

«DESK-INVEST» корхонасининг техник даражаси ҳали истеъмолчиларнинг буюртмаларини қондирадиган янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш имконини бермайди.

Б) Рақобат таҳлили.

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий рақобатчилари қуйидагилар ҳисобланади:

-«SIFAT» қурилиш ташкилоти,

-«NIKA» хусусий корхонаси,

-«ШаркТемир» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти,

-«RuslanStroyService» хусусий корхонаси,

-«FinUzlac» қўшма корхонаси.

Рақобатчи фирмалар ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Рақобатлашувчи фирмалар ҳақида солиштирма маълумотлар[1]

Рақобатбардошлик омиллари	«DESK-INVEST» корхонаси	Рақобатчилар		
		«SIFAT» қурилиш ташкилоти	«NIKA» хусусий корхонаси	«ШаркТемир» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти
1. Товар				
Сифат	5	5	5	4

[1] «DESK-INVEST» корхонаси маркетинг бўлимининг ҳисоботи

Ассортимент	4	5	5	3
Савдо маркасининг нуфузи	3	5	4	4
Ўзга хослик	4	4	4	3
Ишончлилик	4	4	4	5
2. Нарх				
Сотув нархи	4	3	3	5
3. Сотув каналлари				
Бозорни қамраб олиш даражаси	3	4	3	4
4. Товарни бозорларда ҳаракатлантириш				
Истеъмолчилар учун реклама	4	3	4	3
Якка тартибда сотув	4	4	5	4
Рағбатлантириш усулларидан фойлаланиш	2	4	2	2
умумий балл миқдори	37	41	39	37

В) Корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи

2005-2006 йилларда «DESK-INVEST» корхонаси фалиятининг асосий кўрсаткичлари

(минг сўм)

Кўрсаткич номи	2005 йил якунига	2006 йил якунига
Маҳсулотни сотишдан соф тушум	3 275 107	3 568 142
Маҳсулот таннархи	2 483 910	2 780 837
Ялпи фойда	791 197	787 305
Давр харажатлари, жумладан	280 579	432 292
Сотув харажатлари	3 573	32 136
Маъмурий харажатлар	14 175	25 988
Операцион харажатлар	262 831	374 168
Асосий фаолиятдан олинадиган фойда	512 718	355 521
Молиявий фаолиятдан олинадиган даромад	39 272	18 189
Солиқ тўланганга қадар умумий хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда	63 018	124 423
Соф фойда	579 770	1 052 807

ТАЛАБА УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР:

Муаммо: Сотув бозорини кенгайтириш учун маркетинг стратегиясини танлаш.

Вазифалар:

корхона фаолиятини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш.

сотув бозорини таҳлил қилиш.

бозорни сегментлаш ва мақсадли сегментни аниқлаш.

маркетинг стратегиясини танлаш ва уни асослаб бериш (алгоритм кўринишида).

Ечим алгоритми:

→ *корхона фаолиятини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш*

Корхона фаолиятини тадқиқ этиш ва таҳлил қилишда қуйидагилар назарда тутилади:

а) корхона фаолиятининг асосий йўналиш ва мақсадларини ўрганиш;

б) корхонанинг асосий истеъмолчиларини аниқлаш;

в) корхона маҳсулотларини ўрганиш;

г) корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш.

→ *сотув бозорини таҳлил қилиш*

Қурилиш материаллари бозорини таҳлил қилиш қуйидаги омилларни ўрганишни қамраб олади:

а) маҳсулотга талабни ўрганиш;

б) бозорнинг SWOT – таҳлили;

г) рақобатчилар таҳлили. Рақобатлашувчи фирмалар ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда акс эттирилган.

→ *бозорни сегментлаш ва мақсадли сегментни аниқлаш*

Корхоналарнинг бозорда кун кўришида жиддий омиллардан бири харидорларнинг кучли позициялари ва уларга боғлиқлик ҳисобланади. Корхона ўзининг истеъмолчилар билан муносабатларини таҳлил қилиб чиқиши лозим.

Бунинг учун, биринчи навбатда, истеъмолчларни шу товар уларга керакли ва айнан кимга кераклиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш, яъни мақсадли доирани аниқлаш зарур.

Иккинчидан, мақсадли гуруҳ истеъмолчиларининг корхона товарига талабларини аниқлаш лозим.

Учинчидан, бозорнинг мақсадли сегментида талабга таъсир этувчи омилларни ажратиб кўрсатиш керак.

→ *маркетинг стратегиясини танлаш ва уни асослаб бериш*.

Бозорда стратегияни танлаш учун дастлаб амалга оширилаётган жорий стратегия таҳлил қилинади. Жорий стратегияни аниқлаштириш шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозирги пайтда компания қай ҳолатда эакни, унинг қайси стратгиядан фойдаланаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб, келажак учун қарор қабул қилиб бўлмайди.

Шундан кейин, қуйидаги матрицалардан бири ёрдамида стратегия танлаб олинади: «бозор улушининг ўсиши» матрицаси, бозор стратегиясининг фойдага таъсири (PIMS) матрицаси ва Портернинг умумий стратегик модели (ўқув-услубий материаллар, 1-расм).

Стратегия вариантини танлашни алгоритм кўринишида асослаб бериш.

«ХАЛКАРО МАРКЕТИНГ»

ФАНИДАН

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1.Кайси омиллар халкаро маркетингнинг ташки мухитини белгилаб беради:
а) *иктисодий, сиёсий-хукукий, маданий;
б) давлат аппарати, ракобат, сиёсий баркарорлик;
в) хукукий, валюта чекловлари, кадрлар сиёсати;
г) халкаро савдо тизими, конъюнктура, ракобат

2. Кайси омиллар корхонанинг бозордаги фаолиятида ички мухитни белгилаб беради:
а) *кадрлар, ракобат, ресурс манбалари, ички кооперация;
б) конъюнктура, махсулот чикариш имкониятлари, бозор
в)махсулот ракобатбардошлиги, ишлаб чикаришнинг илмий-техник даражаси;
г) иктисодий конъюнктура, хукукий мухит, ишлаб чикариш даражаси.

3. Сизнинг фирмангиз оммавий товар бозорида шундай вазиятга дуч келдики, бунда иккиламчи талаб мувозанатланиб, бирламчи талаб хали тулик кондирилмаган, бирок туйинган булсин. Фирма бирламчи ва иккиламчи талаб бозорларида фаолият курсатаётган булса, у кайси маркетинг стратегиясини танлайди?
а) иктисодий ривожланиш;
б) *интенсив ривожланиш;
в) ракобатбардошликни ошириш;
г) ишончли мижозлар доирасини тузиш;

4. Тугри жавоб вариантларини танланг. Маркетинг тизими бозорга таъсир курсатишнинг куйидаги воситаларини камраб олади:
а) мижозлар, башорат килиш, товарнинг фойдалилиги;
б) товар, нарх, ишлаб чикариш, реклама, истеъмолчини рагбатлантириш;
в) *башорат килиш, товар, нарх, сотув каналлари, реклама
г) истеъмолчилар, таъминотчилар нарх, махсулот.

5. Тижорат рекламасини амалга оширишнинг бешта асосий боскичини танлаб олинг:
а) имиджни яхшилаш, истеъмолчилар ни урганиш, реклама камапниясини ишга тушириш;
б) *назорат, реклама воситаларини танлаш, рекламани режалаштириш, бюджетини тузиш
в) бозорда компания миссиясининг белгилаш, реклама уюшмасини танлаш, шартномани тузиш
г) муаммони аниклаш, релама учун товарни танлаш, харажатларни хисоблаш, бюджетни тузиш

6. Инновацияларнинг турт тури мавжуд:

а) янгиликнинг пайдо булиши, жорий килиниши, узлаштрилишиинвестициялаш;
б) *янги товар ишлаб чикариш, янги бозорни узлаштириш, янги усулни жорий килиш, ташкилий янгилик;
в) янги товар ишлаб чикариш, фойдани таксимлаш, товарни янги бозорда сотиш, ракобатдаги етакчилик;
г) янги махсулот ишлаб чикариш, истеъмолчи учун янги бозор очиш, «ноу-хау»ни таксимлаш

7. Компания кайси стратегияни танламасин, махсулот мавжуд булган муддат давомида куйидаги боскичларни босиб утади:
а) жорий килиш, усиш, етуклик, экспансия, ривожланиш;
б) *узлаштириш, жорий килиш, усиш, етуклик, туйинганлик, суниш;
в) усиш, экспансия, етуклик, туйинганлик, суниш;
г) ишлаб чикиш, усиш, ривожланиш, суниш.

8. Замонавий маркетингга хос булган мухим жихат унинг глобаллашуви хисобланади:
а) маркетинг йирик монополиялар, кичик фирма, корхоналарга зарур булиб бормокда;
б) маркетинг жахоннинг барча минтакаларида куллана бормокда;
в) маркетинг истеъмол товарлари бозорини камраб олмокда;
г) *маркетинг ишлаб чикариш воситалари бозорини, ташки иктисодий фаолиятни, нотижорат фаолиятни камраб олмокда

9. Республикамизда маркетингга эътиборнинг усишига куйидагилар асосий сабаб булмокда:
а)маркетинг буйича пайдо булаётган илмий ишлар;
б) мулкка булган муносабатнинг узгариши;
в) *давлат монополиясининг йук килиниши;
г) ташки савдо ташкилотларида маркетингга эхтиёжнинг пайдо булиши

10. Бозорни сенгментлаш бу:
а) бозорда ишлаб чикарувчилар улушларини ажратиш;
б) бозорда талаб энг юкори булган товарлар гурухларини ажратиш;
в) *дид-истакларнинг бир хиллиги, таклиф этиувчи товар ва хизматларга муносабатнинг ухшашлиги билан тавсифланувчи истеъмолчиларнинг максадли гурухларини ажратиш;
г) ишлаб чикарувчиларни махсулот турлари буйича гурухлаш

11. Замонавий ИТТКИ асосий хусусиятлари каторига куйидагиларни киритиш мумкин:
а) маркетинг чора-тадбирлар ердамида шароит яратиб бериш, янги товарлар ишлаб чикиш, сифат тизимини такомиллаштириш;

б) *ушбу жараённинг мураккаблашуви хисобига унинг муддати узайиши фойда олиш, муддатларнинг кискариши;
в) ИТТКИни амалга ошириш рискининг камайиши, ресурслар етмаслиги
г) ракобтни кучайиши, илгор тажрибани урганиш, киматтлашуви, бенчмаркинги ривожланиши

12. Товар сиёсатининг максади:
а) товарнинг хаётийлик даврини узайтириш хисобига фойда олиш;
б) товар харакатланиши билан боглик булган харажатларни пасайтириш;
в) *фирманинг ривожланиши учун етарли микдорда фойда келтиришига олиб келувчи шароитлар яратиш;
г) товарнинг хаётийлик даврини узайтириш, махсулотни ассортиментини кенгайтириш, бозорда улушини кенгайтириш

13. Бозорни танлаш кайси мезонлар буйича амалга оширилади:
а) *бозор хажми, усиш динамикаси, иш юритиш буйича харажатлар ракобатдаги устунликлар, хавф-хатарларни даражаси;
б) бозорни фойдалилиги, географик жойланиши буйича танлаш, назоратлиги, бозорни хажми
в) бозор конъюнктураси, бозор сигими, товарни харакатлантириш каналлари;
г) бозорни камраб олиш, фирманинг бозордаги улуши, бозор шароитлари.

14. Рангларга ажратишдан максад нима:
а) товар ва хизматлар ассортиментининг кенгайишини таъминлаш услуг;
б) эски бозорда мустахкам урин эгаллаш;
в) *фирма учун киритилган капиталга кайси бозор купрок ва узокрок фойда келтиришини аниклаш;
г) коридагиларнинг хеч кайси бири; бозорда маълум бир улушни эгаллаш.

15. Халкаро маркетинг ривожланишининг асосий боскичларини ажратиб курсатинг:

а) ташкилий, функционал, ахборот
б) *анъанавий, экспорт, халкаро, купмиллий;
в) ички, ташки, экспорт;
г) ташкилий, импорт, анъанавий.

16. Халкаро маркетинг олий шакли бу:
а) *трансмиллий корпорацияларга хос булган байналмилал маркетинг;
б) маркетинг операцияларини алохида корхона микёсида амалга ошириш;
в) маркетинг операцияларини жахон хужалиги микёсида амалга ошириш;
г) маркетинг операцияларини иккита корхона микёсида амалга ошириш;

17. Халкаро маркетинг мохияти бу:
а) махсулотни сотиш буйича чора-тадбирлар;
б) *корхонанинг уз товар ва хизматларини мамлакат худудидан ташкарида сотиш буйича тадбирлар мажмуи;
в) айирбошлаш йули билан истеъмолчилар эхтиёжларини кондириш;
г) талабни кондириш ва ракобатдаги устунликларни мустахкамлашга буйича максадли йуналтирилган фаолият.

18. Халкаро маркетингни амалга ошириш билан боглик асосий масалалар куйидагилардан иборат:
а)муваффакиятли ракобат стратегиясини куллаб-кувватлаш, фойдаланилувчи стратегияларни тахлил килиш ва улардан энг яхшисини танлаш;
б) *мухитни урганиш, бозорга чикиш усуллардан фойдаланиш, маркетинг булими структураси хакида карор кабул килиш;
в) ташки мухитни урганиш, экспорт операциялари оркали бозорга чикиш, корхона стратегиясини амалга оширш
г) сотув бозорларини кенгайтириш буйича фаолияти, савдо тизимини урганиш, маркетинг дастурини тайерлаш

19. Ташки бозорда товар ва хизматларни сотиш буйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чикиш бошкарув жараёни булиб, куйидаги боскичларни камраб олади:

а) *тахлил, режалаштириш, ташкил этиш, маркетинг фаолиятини назорати; ташкилот ва махсулотнинг ракобатбардошлиги,
б) маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат килиш;
в) маркетинг мухитини урганиш, бозор конъюнктурасини тахлили, бозорда корхонани имкониятларини тадкик килиш;
г) тахлилий иш, ишлаб чикариш цикли, маркетинг режасини ишлаб чикиш ва унинг амалга ошириш

20. Бошка мамлакатда сотувни ташкил этишда фирма турли хил савдо чекловларига дуч келади:
а) *квота, эмбарго, савдо билан боглик булмаган чекловлар, божхона тарифлари, валюта назорати;
б) давлат машинаси, фирма товарларига нисбатан дискриминация;
в) таълим даражаси, такиклар, соликлар, божлар, хукукий актларни узгариши
г) хужалигни тузулмаси, мамалакатни ракобатбордошлиги, урф-одатлар

21. Иктисодий мухитни урганиш куйидагиларни камраб олади:
а)*хужалик структураси, даромаларни таксимлаш характери
б)истеъмолчи ва ишлаб чикарувчиларни урганиш;
в) ракобатчилар фаолиятини урганиш, фирма структурасини урганиш;
г) конъюнктурани урганиш ва башорат килиш

22. Сиёсий-хукукий мухитнинг энг мухим омиллари куйидагилар:
а) хорижий мамлактанинг урф-одатлари, анъаналари, коидалари, такиклари;
б) *валюта чекловлари, давлат механизми, чет элдан килинадиган харидларга муносабат, сиёсий баркарорлик;
в) халкаро савдо тизими, божхона тарифлари, ишлаб чикариш стандартлари;
г) хомашё экспорт килувчи мамлакатлар, даромади жуда паст мамлакатлар

23. Жахон бозорига чикишнинг кайси усулларини биласиз:
а) импорт, экспорт, лицензиялаш;
б)*экспорт, кушма тадбиркорлик, бевосита инвестициялаш;
в) шартнома буйича бошкарув, пудрат ишлаб чикариши;
г) лизинг, ижара, франчайзинг.

24. Экспорт килишнинг кайси усулларини биласиз:
а) *бевосита экспорт, билвосита экспорт, мунтазам экспорт, номунтазам экспорт;
б) шартнома буйича бошкарув, лицензиялаш;
в) йигув корхоналари, ишлаб чикариш корхоналари;
г) кушма корхоналар, воситачи компаниялар.

